

МАЪЛУМОТНОМА НАШРЛАР , УЛАРНИНГ АХБОРОТ – БИБЛИОГРАФИЯ ХИЗМАТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Матмурадова Малика Исаевна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Кутубхона-ахборот фаолияти” кафедраси ўқитувчиси.*

Аннотация: Мақолада маълумотнома нашрлар АКМ ва АРМларда маълумот-библиографик аппаратининг бир қисми эканлиги, маълумотнома нашрларнинг турлари ва уларнинг аҳамияти, китобхонга ахборот қидиришга қулайлиги , библиографик сўроқларни бажаришда катта аҳамиятга эга ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: маълумотнома, энциклопедия, терминологик луғатлар, фотоальбом, атлас, харита. фактографик, библиография.

Маълумотнома нашрлар фонди-Ахборот-кутубхона марказлари ва Ахборот –ресурс марказлари маълумот-библиографик аппарати (МБА)нинг бир қисми бўлиб, библиографик фаолиятнинг ҳамма жараёнларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумот нашрлари ва директив (йўл-йўриқ кўрсатувчи) хусусиятга эга бўлган материалларини ўз ичига олади.

Маълумотнома нашрлари-илмий маълумот берувчи босма маҳсулотлардир. Уларда маълумотлар китобхонга ахборотни қидиришга қулай ҳолда, яъни материалларнинг изоҳлари алифбо ёки хронологик тартибда жойлаштирилаган бўлади. Шунга кўра улар алифболи ёки системали нашрларга бўлинади.

Алифболи маълумотнома нашрлар: энциклопедиялар, тилга оид, атамалар ва бошқа луғатлар, географик жойлар, турли белгилар қисқартмаларининг изоҳлари, телефон ва манзилларнинг маълумотларини берувчи нашрлардир.

Системали маълумотнома нашрлари: умумий типдаги (сиёсий, иқтисодий, статистик справочниклар, кундаликлар), меъёрий илмий (ботаника, зоология, метрология фанлари бўйича манбалар), илмий-техник, ишлаб чиқариш, соҳа, соҳа бўйича махсус ва бошқа нашрларга бўлинади.

Алифболи маълумотнома нашрлардан ҳисобланган энциклопедиялар-жамиyatдаги барча билим соҳаларини ўзида акс эттирувчи, илмий ва илмий оммабоп нашрдир. Уларнинг 2 тури-универсал ва тармоқ энциклопедиялари мавжуд.

Ҳар икки тур энциклопедияларда атамалар, тушунчалар, воқеа- ходисалар, шахслар мақола–маълумотлар, мақола-обзорлар, тушунтириш мақолалари билан ёритилган. Мақола-маълумотлар ва обзор-мақолаларда матбуот асарлари кўп

тилган олинб, уларга мақола мавзуси бўйича асосий адабиётлар рўйхати илова қилинади. Шу сабабли энциклопедиялар фақат справкалар бажаришда, яъни фактографик мақсадлардагина эмас, балки библиографик қидиришда ҳам кенг фойдаланилади.

Универсал энциклопедиялар “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, “Ўзбекистон Республикаси”, “Тошкент”, “У ким бу нима” болалар энциклопедияси, “Болалар энциклопедияси”, “Хотин қизлар энциклопедияси”, “Уй рўзғор энциклопедияси”, “Саломатлик ” энциклопедиялари ва бошқалар киради.

12 жилдда нашр қилинган “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Ўзбекистонининг мустақиллик йилларида мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзгаришлар, миллий ўзига хослик анъаналари ҳисобга олинган ҳолда тузилган, умумжаҳон аҳамиятига молик воқеа-ҳодисалар, давлатлар, шахслар ҳақидаги ахборотни ёрутувчи, фактли маълумотларга бой қомусдир. Унда материаллар алифбо тартибда берилган, бу исталган атама, ибора, тушунча, воқеа-ходиса, шахс ҳақидаги маълумотни алифбо бўйича осон қидириб топиш имконини беради.

“Ўзбекистон Республикаси” номли энциклопедия истиқлол талабларидан келиб чиқиб тайёрланган ва 1997 йилда нашр этилган. Унда республикамизнинг табиати, аҳолиси, тарихи, сиёсий тизими, иқтисодиёти, соғлиқни сақлаш, спорт, таълим тизими, фан, матбуот ва оммавий ахборот воститалари, ўзбек тили ва ёзуви, адабиёти, меъморчилик, маданият ва санъати масалалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлари ҳақидаги маълумотлар берилган.

“Тошкент” энциклопедияси азим Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати 1983 йилда нашр қилинган ўлкашунослик хусусиятидаги ягона қимматли универсал қомусдир. Унда Тошкент шаҳри тарихи, XX аср ҳаётини ёрутувчи, шаҳар ҳаётининг барча йўналишларини қамраб олган маълумотлар маълумотлар-справкалар, мақолалар ёрдамида қайд этилган.

“У ким,бу нима” болалар энциклопедияси уч жилдда 1987-1988 йилларда нашр қилинган. Энциклопедия ҳамма нарсани билишни истаган болаларнинг ҳар қандай саволларига жавоб беради. Шунинг учун номи ҳам шундай аталган. У ҳамма, айниқса, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига мўлжалланган.

“Болалар энциклопедияси” мустақилликка эришилгандан кейинги лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чиқарилган энциклопедиядир.

“Хотин-қизлар энциклопедияси”, “Уй-рўзғор энциклопедияси”, “Саломатлик” энциклопедиялари мазмун-моҳияти жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлган, барчаси кундалик ҳаётда учрайдиган ва аниқ, қисқа ҳамда лўнда жавобни тезкорлик билан топишни талаб қиладиган масалаларни ўзида ёритган нашрлардир.

Тармоқ энциклопедиялари алоҳида олинган маълум бир соҳага бағишланган бўлиб, уларда соҳага тааллуқли барча масала, муаммо, атамалар, воқеа-ходисалар, шахслар, соҳанинг тарихи, ҳозирги ҳолати кабилар батафсил изоҳланади.

Тармоқ энциклопедиялари мақсади ва китобхонларга мўлжалланишига кўра катта, кичик оммабоп энциклопедиялар ва йилномалардан иборат тармоқ тизимини ташкил этади. Уларга, 5 жилдлик “Философия энциклопедияси”, 5 жилдлик “Қисқача химия энциклопедияси” ўзбек ва рус тилида чиққан “Пахтачилик” энциклопедияси, 6 жилдлик “Қишлоқ хўжалик энциклопедияси”, 4 жилдлик “Педагогическая энциклопедия”, “Философский энциклопедический словарь”, “Трудовое право”, “Книговедение“ энциклопедик луғатлари, “Фалсафа:қомусий луғат”, “Тиббиёт қомусий луғат” и (1994 йил), “Балет”, “Цирк”, “Театр”, “Ислом”, “Зоология”, “Юридик” “Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг этимологик замонавий Энциклопедияси” (2018) чиққан ва бошқа кўпгина шулар каби нашрларни олиш мумкин. Масалан, “Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг этимологик замонавий Энциклопедияси”нинг биринчи томида Ўзбекистонда ўсадиган 350 зиёд шифобахш ўсимликларнинг илмий ва маҳаллий номлари ҳамда этимологияси алифбо тартиби бўйича жойлаштирилган. Уларнинг ботаник таърифи, географик тарқалиши, улардан олинган доривор воситаларнинг номлари ва кимёвий таркиби ҳам келтирилган. Шу билан бир қаторда шифобахш ўсимликларнинг хомашёлари (илдизи, ер устиқи қисми, барглари, мевалари, пуслўғи) йиғмаларнинг халқтабобатида ва замонавий илмий тиббиётда касалликларга нисбатан қўлланиши батафсил кўрсатилган.

Алоҳида китобхонлар гуруҳига мўлжалланган энциклопедик луғатлар, масалан, “Энциклопедический словарь юного натуралиста”, “Энциклопедический словарь юного техника” ўзбек тилида чиққан “Ёш химик энциклопедик луғати”, “Ёш физик энциклопедик луғати”, “Ёш математик энциклопедик луғати”, “Ёш деҳқон” энциклопедияси каби нашрлар ҳам мавжуд.

Тармоқ ва тематик энциклопедия ва энциклопедик луғатлар аниқ мақсад ва китобхонлар доирасига эга, улар ихтисослашган маълумотнома нашрларига киради ва кутубхонанинг ихтисослашган бўлимларида бўлиши зарур. Тармоқ энциклопедиялари кўп ҳолларда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланади, шу сабабли улар библиография бўлими фондида ҳам бўлиши зарур.

Справочниклар (маълумотномалар) амалий ёки илмий хусусиятли қисқача маълумотларни ўзида жамлаган бўлиб, маълумотлар уларни қидириб топишни осонлаштирадиган тартибда жойлаштирилган бўлади.

“Народное хозяйство Самаркандской области за 40 лет” номли ўлкашунослик хусусиятидаги статистик тўплам. Самарқанд вилояти халқ

хўжалигининг ўзида акс эттирган катта маълумот манба ҳисобланади. Ҳозирда бундай нашрлар чиқарилмайди, лекин улар ўша давр фактли маълумотларини кидириш муҳим, тенгиз манба бўлиб қолади.

Илмий, ишлаб чиқариш, илмий-оммабоп маълумот адабиётлари ҳам кўплаб чиқарилган. Масалан, "Ислом" справочниги. Унда Ислом дини билан боғлиқ тушунчалар билан бирга давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ тушунчалар, машҳур алломалар ҳақидаги маълумотлар, турли изоҳлар берилган. Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёт чиқарган "Медицина ҳамшираси справочниги", "Справочни по уходу за больным детьми" нашри илмий-оммабоп хусусиятга эга асарлардир. "Француз тили грамматикаси справочниги", "Журналист справочниги", "Журналистика, реклама PR луғати справочниги" ҳам шундай нашрлардир.

1998-2000 йилларда Шарқ АЖ "Лучшее иа Ташкент" справочникдан 3 қисмини чиқарилган. У катта ҳажмидаги давомли нашр бўлиб, раҳбарга, тадбиркорларга тошкентликлар ва меҳмонларга мўлжалланган.

Амалий хусусиятга бўлган "Ўзбек-рус-немис-инглиз тилларида сўз бошқарувига доир луғат-маълумотнома" (Тошкент, 1997) нашри луғат турига ҳам киради.

Республикамиз вилоятлари, шаҳарлари, туманларига бағишланган универсал мазмундаги маълумотномалар кўп нашр этилган. Масалан, ўзбек ва рус тилида чиққан "Андижон", "Бекобод", "Олмалик", "Янги йўл", "Чирчиқ" ва бошқа қисқача маълумотномалар: "Жиззах вилоят", "Қашқадарё вилояти", "Фарғона вилояти" ва бошқа шу каби маълумотномалар шулар сирасидандир.

Кутубхоначилик соҳаси бўйича эса "Справочник библиотекаря" нашри соҳанинг муҳим йўналиш ва жараёнлари, тушунчалари бўйича тушунтиришлар, маълумотларни берган.

Луғатлар ҳам алоҳида тил ўрганиш, таржима санъатида фойдаланишга мўлжалланган 2,3 тилли луғатлар: "русча-ўзбекча (2 жилдлик), ўзбекча-русча, русча-инглизча, арабча-ўзбекча-русча луғат" ва бошқаларни кўплаб олиш мумкин.

Изоҳли луғатлар алоҳида олинган бир тилдаги сўзларни маъносини тушунтириб беради. Масалан, 2 жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати", "Словарь русского языка", "Орфографический словарь", "Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли луғати" (Тошкент, 1997), "Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат" (Тошкент, 1994), "Мустақиллик" изоҳли оммабоп луғат (Тошкент, 1998), "Ўзлашган сўзларнинг имло луғати" (Тошкент, 1998), "Қисқача ўзбекча-русча-русча мақол-маталлар луғати" (Тошкент, 1993), "Алишер Навоий

асарлари тилининг изоҳли луғати”, “Қорақалпоқ тили диалектологик луғати” ва бошқа нашрлар ҳозирда кўплаб чиқарилган.

Терминологик луғатлар бир соҳадаги ёки бир касбга оид учрайдиган махсус тушунчаларни изоҳлаб беради. Бундай луғатлар мутахассислар ҳамда мустақил билим олиш билан шуғулланувчи турли гуруҳ китобхонлари, ўқувчилар. Тарғиботчилар томонидан кенг фойдаланилади. Масалан, “Адабиётшунослик терминлари луғати”, “Политехника луғати”, “Анатомиядан лотинча-русча луғат” (Тошкент, 1995), “Қулоқ-томоқ ва бурун касалликларидан русча-ўзбекча луғат”, “Маркетинг: инглизча-ўзбекча-русча луғат” (Тошкент, 1996), “Мактаб жуғрофия атамалар ва тушунчалари изоҳли луғати”, “Сабзавотчилик атамаларининг русча-ўзбекча луғати” (Тошкент, 1997) ва бошқалар.

“Кибернетика бўйича луғат”, “Информатика бўйича тушунчалар луғати”, “Кутубхоначилик иши”, “Қисқача иқтисодий луғат” терминлари луғати аниқ китобхонлар доирасига эга.

Бу луғатлар библиография ёки тармоқ бўлимлари МБФда бўлади. Ихтисослашган ўқув заллари мавжуд ҳолларда бу нашрлар очик фонддаги китоб жовонларига қўйилади.

Тахаллус билан имзо чеккан муаллифлар ҳақида маълумотларни қидиришда бир неча минг тахаллусини ўз ичига олган И.Ф.Масановнинг 4 жилдлик “Словарь псевдонимов русских писателей, ученых общественных деятелей” номли (1956–1960 йилларда чиққан) луғатни асосий манба сифатида олиш мумкин.

Биографик луғатлар ҳам алоҳида гуруҳ нашрларини ташкил этади. Масалан, “Фан ва маданиятнинг кўзи ожиз арбоблари”, “Ўзбек адиблари”, “Совет Ўзбекистон ёзувчилари” (ўзбек ва рус тилида), “Фарғона адиблари”, “Тошкент шоирлари”, “Ўзбекистон тарихчилар”, “Ўзбекистон химиклари” каби нашрлар. Азим Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи арафасида “Бухоро аёллари” номли рисола чиқарилди (Бухоро, 1997). Бу асар Бухоро аёллари ҳақида турли манбаларда сочилиб ётган қимматли маълумотларни йиғиб, яхлит ҳолга келтириб, ўтмишда муайян соҳалар бўйича инсоният ривожига ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшган аёллар номларини асраб қолиш мақсадида тузилган, бундай луғатлар алоҳида олинган шахсларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида маълумотларни ўзда акс эттиради.

Маълумотнома нашрларига яна турли фотоальбомлар, йўл кўрсаткичлар, хариталар, атласларни ҳам киритиш мумкин. Улар ҳам ўзига ҳос маълумотнома манбаларидир.

Фотоальбомлар вилоят, туман, шаҳар ҳаётига оид маълумотларни фотосуратлар орқали қисқа изоҳ матни берилган нашрлардир. Фотоальбомлар

давлат бўйича универсал, шаҳарларга бағишланган ва мавзули бўлиши мумкин. Универсал давлат фотоальбомига “Ўзбекистон” (Тошкент,2001), “Янги Ўзбекистон тарихи варақлари” (Тошкент,1997), ”Рангго-ранг Ўзбекистон” (Тошкент,1988) альбомлари, уларда материалларга кенг обзорлар ва расмларга қисқа изоҳлар матни ёнма-ён тарзда ўзбек, рус, инглиз тилларида берилган.

Вилоятлар ва шаҳарларга бағишланган “Сурхондарё”, ”Қашқадарё”, “Қорақалпоғистон” (1984) 3 тилда; “Бухоро:очиқ осмон остида музей” ,”Хива минг гумбаз шаҳри” (Тошкент,1997), фотоальбомлари Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик саналарига “Шаҳрисабз” “Қарши- 2700”, “Самарқанд” (2750 йиллигига), “Марғилон” (1200 йиллиги муносабати билан),”),” Khiva-Хива” альбом (Тошкент,2001 й.) “Хива, Ичан қалъа” китоб-альбом (Тошкент,2015 й.)” фотоальбоми эса шаҳарларнинг юбилейи йиллари муносабати билан чиқарилган, бой фактли, тарихий маълумотларга эга нашрлар. Айрим альбомларда бўлимида хронологик солнома ҳамда библиографик рўйхати ҳам берилган. Бундай альбомлар айниқса, меъморий ёдгорликлар шаҳарларга бағишлаб кўплаб чиқарилган. “Природа Қарақалпокии” (Тошкент,1985), “Қорақалпоқистон қоўынлари” (1977) қорақалпоқ ва рус тилларида матнлари билан босиб чиқарилган.

Йўл кўрсаткичлари–кенг китобхонлар оммасига мўлжалланиб, улар танишиши объектлари ҳақида қисқа, лўнда,аниқ маълумотлари олишда муҳим манбалардир. Улар универсал, мавзули йўналишлар бўйича , тор тематикада , яъни бир ташкилот ёки муассаса бўйича бўлиб,шаҳарлар, шаҳар кўчалари, музейлар,театрлари билан китобхонни қисқача маълумот ёрдамида таништиради. Масалан, универсал йўл кўрсаткичларига Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарларига бағишланган нашрлар киради, уларда шаҳарларнинг кўриниши, алоҳида аҳамиятга молик масканлари,ҳаётининг барча томонлари бўйича маълумотлар расмлар билан ёритилган.

Тор тематикадаги йўл кўрсаткичларга “Тошкент кўчалари”, “Тошкент театрлар”,”Тошкент музейлари”,”Ғофур Ғулом номидаги Фарғона область адабиёт музейи”,”З.М.Бобур номи Андижон вилоят универсал илмий кутубхонаси йўл кўрсаткичи” (Андижон,1998), “Тошкентнинг қадимий дарвозалари” (Тошкент,1999) , “Хива обидалари” йўл кўрсаткичи (1992),”ва бошқа кўплаб мисолларни олиш мумкин.

Хариталар ҳам маълумотнома библиографик нашрлар фондида муҳим ҳисобланади. Уларнинг турлари кўп. Мазмунига кўра сиёсий, иқтисодий, табиий хариталар; мўлжалланишига кўра сайёҳлик, ўқув, умумилмий ва ҳ.к.ларга бўлинади. Кейинги йилларда мустақил Ўзбекистон ҳаётининг турли соҳалари, масалалари, вилоятлари, воҳалари бўйича хариталар босилиб чиқарилган. Масалан, “Андижанская область. Краеведческий атлас “

(Ташкент,2015), “Toshkent viloyati” xarita (2016), Toshkent shahar transportining sxemasi : xarita,” Sirdaryo viloyati” xarita (2016), “Jizzax viloyati” xarita Namangan viloyati : xarita Samarqand viloyati : xarita Xorazm viloyati : xarita (Тошкент,2016 й.) ва бошқалар.

Бу фонда яна турли адрес китоблари, кўчалар номларининг ўзгартирилиши ҳақидаги маълумотномалар, телефон рақамлари китобчалари “Справочник телефонов на все случаи жизни:Ташкен 93”, бундай китобчалар ҳар йили янгиланиб чиқарилади.

Бадиий откриткалар ҳам бу фондда бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатилган маълумот адабиётларининг ҳаммасидан маълумот-библиографик хизмат кўрсатишда кутубхона ходимлари ҳамда китобхонлар кенг фойдаланадилар. Китобхоннинг аниқ фактографик сўроқларини бажаришда, библиографик қўлланмалар тузишда, китоб кўргазмалари ташкил этишда, картотекалар тузишда, олинган мавзу-масаланинг ўзак сўзларини, моҳиятини, бўлиб ўтган воқеани аниқлашда, алоҳида машҳур шахслар тўғрисида маълумот олишда, атамаларни изоҳлашда аниқ тушунча, изоҳлар олиш мумкин.

Масалан, китобхон ”интранет” сўзининг маъносини билмоқчи. Буни “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг 4-жилдидан алифбо бўйича “и” ҳарфидан шу сўзни қидириб топиши мумкин.

Маълумотнома адабиётлари китобхонлар томонидан энг кўп сўраладиган ҳамма доира фойдаланадиган нашрлардир, улар узок вақтга мўлжаллаб чиқарилади, шу сабабли кутубхоналарда бундай нашрлар алоҳида сақлашни талаб қилади .Улар ўқув залларида ёки библиография бўлимларида кутубхона ходимига кўринадиган, назорат қилиш мумкин бўлган жойда сақланиши лозим.

Фойдаланиган адабиётлар

1. Маматраимова Х.Кутубхона ўлкашунослиги ва ўлкашунослик библиографияси:ўқув қўлланма / Х.Маматраимова.–Тошкент, 2008.–103 б.
2. Berdiyeva Z. va boshq.Bibliografiya (Umumiy bibliografiya):madaniyat kollejlari uchun o'quv qo'llanma-qayta ishlangan 3 nashri / Z. Berdiyeva, H.Mamatraimova,T.Zokirova.–Toshkent:O'qituvchi, 2013.–208 b.
3. Матмуродова М.И. Ўзбекистон фанининг ривожланишида аёлларнинг ўрни (библиографик маълумотлар асосида) // Экосистема библиотечной сферы в эпоху цифровизации: сотрудничество, интеграция и инновации = Raqamlashtirish davrida kutubxona sohasi ekotizimi: hamkorlik, integratsiya va innovatsiyalar = Ecosystem of the library sector in the era of digitalization: cooperation, integration and innovation, 15 марта 2024 г.: сб. материалов I междунар. науч.-практ. конф. / ГИИК Узбекистана ; отв. ред. Жумаев С.С. ; ред.кол.: С.Х. Давлатов, Т.Д. Байтураев, Л.Н. Муминходжаева, М.В. Гребенюк. - Ташкент, 2024. - Ч.1.- С.86–92.

4. Yakubjonovna K. M. Increase Love to Reading, Learning Culture of Getting Information //JournalNX. – С. 28-31.
5. Цай И. К., Артемьева Е. Б. Развитие информационно-библиотечной системы Узбекистана в контексте исторических трансформаций // Труды ГПНТБ СО РАН. 2019. № 1. С. 22-25.
6. Абдуганиева З. М. Культура Общениа В Библиотеках //Miasto Przyszłości. – 2024. – Т. 52. – С. 127-130.
7. Grebenyuk M. V. The Emergence, Development, and Transformation of Library Marketing in European Countries //Miasto Przyszłości. – 2024. – Т. 52. – С. 116-122.